O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 28 август ШАНБА

№ 68 (12.288)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими"**

**Турғунов Махмуд Тайирович** – "Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг майдаловчиси

**"Эл-юрт хурмати" ордени билан**

**Шоматов Мархия Абдивохидович** – Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси

**"Меҳнат шухрати" ордени билан**

**Давронов Икрам Адилович** – Бекобод шаҳридаги "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг хомашё цехи устаси

**Исамов Ойбек Собирович** – Бўстонлиқ туманидаги "Чорбоғ ГЭС қурилиш" бошқармасининг участка бошлиғи

**Касимов Эрали Уразбаевич** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг "Қолмақир" кони экскаватор машинисти

**Хатамбаев Ахатжон Абдуразакович** – "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамиятининг "Автомобиль тоғ технологик транспорти" унитар корхонаси "БелАЗ" автомашинаси ҳайдовчиси

**"Дўстлик" ордени билан**

**Мамадалиев Тулкун Шамситдинович** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи пўлат қуювчиси

**Холматов Рустам Курбонназарович** – Тошкент вилояти ҳокими

**"Шуҳрат" медали билан**

(100 ёшдан ошганлар)

**Туйчиева Улуг** – Оҳангарон тумани

**"Жасорат" медали билан**

**Ойхўжаев Тошхўжа** – Зангиота туманидаги кўзи ожизлар корхонасининг ишчиси

**"Шухрат" медали билан**

**Абдурахманов Абдугаппар Мирзаалиевич** – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" очиқ акциядорлик жамиятининг таъмирлаш цехи катта устаси

**Аширматов Нигмат Ташпулатович** – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг электрмонтёри

**Джавхаров Анвар Акрамович** – Чирчиқ шаҳридаги "Чирчиққишмаш" очиқ акциядорлик жамияти устаси

**Ёқубов Абдували Нумонович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси насос қурилмалари машинисти

**Миртурсунов Акрам Мирхаитович** – Юқоричирчиқ туманидаги "Машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти механизатори

**Наркузиев Маматали Насиртдинович** – "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамиятининг автомобиль технологик транспорт бошқармаси бульдозер машинисти

**Суюнов Алишер Туракулович** – Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамияти компрессор станцияси бошлиғи

**Халимтаев Якубжан Рахимжанович** – Янгийўл шаҳридаги "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси сув тармоқлари бўлими чилангари

**Шадманов Рустам Тажимуратович** – Бекобод шаҳридаги "Бекободцемтаъмир" масъулияти чекланган жамияти механика йиғув цехи катта устаси

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори **Сираджиддин Рахматов** ҳам "Жасорат" медали билан тақдирланди.




**"Ўзбекистон металлургия комбинати" ташаббуси билан Бекобод туманида 435 ўринли техника ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қад ростлади. Бунинг учун 2 миллиард 100 миллион сўм сарфланди.**




## ШАРОИТИ БАРЧАГА МАЪҚУЛ



Коллежда молия, иқтисодиёт, бухгалтерия, банк иши, металларга қайта ишлов бериш ва автоматлаштирилган воситаларни монтаж қилиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежда инглиз ва рус тилларини ўрганиш учун 4 та лингафон, 2 та компьютер хонаси, ахборот-ресурс маркази ва спорт зали бор.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**СУРАТАЛРДА:** (чапдан) коллеж директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ибодулла Камолов, коллеж директори Икром Саидбоев, комбинат вакили Шукур Бердиев ва коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Исмадиёр Абдужабборов фикр алмашишмоқда; коллежнинг умумий кўриниши.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН – ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

## ҲАР ҚАДАМДА БАЙРАМ НАФАСИ

**Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – Мустақиллик куни арафасида ЎзА мухбирлари Тошкентга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар билан суҳбатлашди.**

**Ичироу ГУШИКЕН (Япония):**

– Ўзбекистонга уч йил аввал янги йил байрами арафасида келган эдим. Бу гал ҳам Тошкентга келишим билан ҳар қадамда байрам нафаси уфуриб турганини ҳис этдим. Халқингиз мустақиллик байрамини нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Меҳмонхоналарда, сайилгоҳларда, кўча ва майдонларда байрам кайфияти намоён.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, юртингизда кўплаб миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Бу Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган оқилона сиёсат самараси, бағрикенглик ғояларининг амалий ифодасидир.

**Дипти КАМБАМПАТИ хоним (Ҳиндистон):**

– Мустақиллик майдони, унинг марказидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, атрофдаги бинолар ўз улуғворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди.

Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухородаги меъморий обидалар ва муқаддас қадамжолар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Ўзбеклар меҳмондўст, ширинсухан, бағрикенг ва саховатли халқ. Файзли юртингизда киши ўзини хотиржам ва бахтиёр ҳис этади. Шу боис бу муқаддас диёрни қайта-қайта кўргим келаверади.

Барча ўзбекистонликларни яқинлашиб келаётган мустақиллик айёми билан чин дилдан табриклайман. Айнан истиқлол шарофати билан бугун Ўзбекистон дунёдаги энг гўзал ва осойишта мамлакатлардан бирига айланди.

**Тадил АЛ-МАСРИЙ (Миср):**

– Мамлакатингизда мустақиллик байрамига катта тараддуд кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бу қадим ўлка неча асрлардан буён ўз шавкати, буюк алломалари, даҳо меъморлари, бой маданияти билан тилларда достон бўлиб келади. Гўзал юртнинг фуқаролари ҳам хушрўй ва танти бўлади. Ўзбек халқининг фазилатларидан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди.

Касбим ўқитувчи бўлгани учун таълим муассасалари фаолияти билан танишдим. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётгани эътиборга молик. Ёшларнинг интилувчанлиги, илмга чанқоқлиги мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ эканидан далолат беради.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Корея Республикасининг халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси ҳамкорлигида Юқоричирчиқ туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар аъзолари ва тиббий кўмакка муҳтож беморлар кореялик шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.**

## СОҒЛОМ АВЛОД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Хайрия тадбирлари иштирокчиларининг иккинчи гуруҳи Тошкент педиатрия тиббиёт институтида шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларини даволаш ишига ўз ҳиссасини қўшаётир.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасидан маълум қилишларича, мазкур хайрия акциясида юрагида туғма нуқсони бор 10 нафар болага зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Ҳозирга қадар уларнинг 5 нафари муваффақиятли операция қилинди.

**ЎзА.**

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

## ЎЗБЕКИСТОН, СЕНИ КУЙЛАЙМАН

**Ҳақиқатан ҳам шу кунларда жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг мадҳи тилларда достон, куйлаган билан адо бўлмайди.**

**Мустақил Ватан, она юрт ҳақида ҳар қанча тўлиб-тошиб сўзласанг, куйласанг, яна куйлагинг ва такрор-такрор эшитгинг келаверади. Бу туйғуга меҳр, муҳаббат, эътиқод ва садоқат, дея таъриф берилса асло хато бўлмас.**

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мустақилликнинг 19 йиллиги олдидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказган "Ўзбекистон, сени куйлайман" деб номланган санъат фестивали халқимиз қалбидаги меҳр-муҳаббат, эътиқод ва садоқат туйғуларининг яна бир намойишига айланди. Эътиборлиси, фестивалда янграган куй-қўшиқлар, жозибали, шўх-шан рақсларни санъаткорлар эмас, турли касбдаги меҳнаткашлар ижро этишди. Улар орасида оддий ишчи ёки уй бекаси, тадбиркор, шифокор, ўқитувчи, тикувчи каби касб эгалари бор. Аммо, иштирокчиларнинг маҳорати томошабинларни ҳайратга солиб, лол қолдиргани бор гап.**



Фестивалнинг асосий шартлари: – "Мақом", "Якка ва ансамбль чолғу ижрочилиги", "Анъанавий ижрочилик", "Рақс", "Жамоа рақси", "Эстрада" каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этган ҳар бир иштирокчи ҳакамлар ҳайъати таърифи билан айтганда ғолибликка лойиқ. Улар орасида оҳангаронлик ўқитувчи Обиджон Тоштанов ("Қарокўзим"), Олмалиқ шаҳар маданият маркази ходими Алишер Халилов ("Эй дилбари жоним", катта ашула), паркентлик хусусий тадбиркор Дилсора Туробова ("Чаман ичра"), оҳангаронлик ҳамшира Санобархон Илёсова ("Фасли навбаҳор"), Бекобод туманидан ишчи Ферузахон Алимова ("Тановар", рақс), Зангиота кўзи ожизлар жамияти ишчиси Акром Обидов ("Нон"), пискентлик фельдшер Акром Сотиболдиев каби бетакрор иқтидор эгалари оз эмас. Томошабинлар олқишига сазовор бўлган Оҳангарон саховат уйи ҳамшираси Санобархон Илёсова фестиваль таассуротлари ҳақида шундай дейди.

– Мен 15 йилдан буён саховат уйида ҳамшира бўлиб ишлайман. Аммо, санъатга, қўшиққа бўлган меҳримнинг чеки йўқ. Тўғри, ўз касбимни севаман, ардоқлайман. Айниқса, кексаларнинг дуосини олиш, уларнинг дардига малҳам бўлиш кўнглимни тоғдек кўтаради. Менга бермоқчи бўлган саволингизни олдиндан сезиб турибман: нега қўшиқчи бўлмагансиз демоқчисиз. Кўпчилик шундай деб сўрайди. Очиғи, ота-онам, умр йўлдошим мени кўпроқ ҳамшира сифатида кўришни исташади. Мен уларга қарши боролмадим. Лекин, ҳар қандай байрам, тадбирларда қўшиқ айтмай туролмайман. Одамлар кўзидаги меҳр, миннатдорчилик ифодасини кўриш мен учун катта бахт. Авваллари бундай танловлар бўлмаган экан. Ота-онамнинг айтишича, мустақиллик йилларида кўп нарса ўзгарган, ёшлар учун барча имкониятлар етарли. Икки ўғлим бор. Келажакда улар мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишига ишонаман. Яқинда мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб янги "Ватан" қўшиғини тайёрладим. Шаҳримизда ўтадиган байрам тантаналарида ижро этмоқчиман. Мен кўпроқ мумтоз қўшиқчилик санъатига қизиқаман. Бугун ижро этганим Муқимий ғазали билан айтиладиган "Фасли навбаҳор" қўшиғи энг севимли ашулаларимдан бири.

Ҳақиқатан ҳам, Санобархондаги кўтаринки, байрамона кайфият кишига завқ бағишлайди. Томошабинлар уни қайта-қайта саҳнага чорлар экан, кўзлари шодликдан чақнаб, бутун вужуди қўшиққа айлангандек туюлди.

Шу аснода ҳакамлар ҳайъати ғолибларни эълон қиладиган пайт ҳам етиб келди. Ҳа, танлов ўз номи билан танлов. Қатнашчиларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмаган бўлса-да, 1-ўринни эгаллаганларнинг номи барчани қизиқтиради. Шундай қилиб, Мақом йўналиши бўйича 1-ўрин Олмалиқ шаҳар маданият маркази иштирокчиси, ("Эй дилбари жоним"), катта ашулани қойилмақом қилиб ижро этган Алишер Халиловга берилди. Шунингдек, 2-ва 3-ўринга муносиб кўрилган Обиджон Тоштанов ва Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежи директори Ботир Аҳмедовни, умуман, мақом йўналишида қўшиқ айтган барча ижрочиларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 1-ўрин Олмалиқ шаҳар ўлкашунослик музейи илмий ходими Нодира Абдураҳмоновага "Фарғона тонг отгунча" қўшиғи учун берилди.

Якка рақс ижрочилиги йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлган Чирчиқ шаҳридаги "Хайтарма" рақс дастаси қатнашчиси Динара Умарова ўзининг бекиёс раққосалик маҳоратини намойиш этганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамоа рақси йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли "Кимёгар" маданият маркази "Эдельвейс" рақс дастасининг чиқишлари эса бошқа ғолиблар қатори юртимиз истиқлоли шодиёналарига янада файз бағишлаши шубҳасиз.

Тадбир якунида ғолиблар ва бошқа иштирокчиларга вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Фестивалда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

## ЯНА БИР ЯНГИ ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИНИНГ ТАҚДИМОТИ

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мустақиллик куни арафасида "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси "Ўзэкспомарказ"да Андижон вилоятининг Асака заводида ишлаб чиқарилган янги Chevrolet Spark автомобилини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.**



Ўзбекистон автомобиллари хориж бозорларидан муносиб ўрин эгаллаб, нафақат юртимизда, балки бошқа давлатларда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда ва харидорлар ишончини қозонмоқда. Автомобилларимиз кенг тармоқли дилерлик савдо корхоналари орқали Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. МДҲнинг 104 шаҳрида ўзбек автомобилларини сотиш бўйича дилерлик корхоналари фаолият юритмоқда. Шу йилнинг майида Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида "GM Uzbekistan" дистибьюторлик маркази очилди. У ерда мижозларга Асакада ишлаб чиқарилган автомобиллар таклиф этилмоқда.

Энди эса "GM Uzbekistan"нинг янги русумдаги Chevrolet Spark автомобили харидорларга тақдим этилмоқда. 2008 йилнинг сентябрида "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси ва Жанубий Кореянинг General Motors Daewoo Auto and Technology компанияси Spark автомобилини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун машина ва ускуналарни етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаган эди. 2009 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Асака заводида ушбу русумдаги автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Spark мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган еттинчи русумдаги автомобилдир. Асака заводида ўрнатилган янги конвейер линияси йилига 50 мингта Spark ишлаб чиқариш қувватига эга.

Chevrolet Spark – модернизация қилинган экстерьер ва интерьерга эга замонавий автомобиль. У ўзининг қулай ва бежиримлиги, дизайнининг ўзига хослиги билан ҳам эътиборни тортади.

Chevrolet Spark хавфсизлик ёстиқлари билан жиҳозлангани ва кузовини тайёрлашда мустаҳкам пўлатдан фойдаланилгани боис хавфсизлик бўйича энг юқори баҳога лойиқ топилди ва EuroNCAP Европа стандартларига оид краш-синовларда тўрт юлдузни қўлга киритди.

Spark инглизчада "учқун" маъносини англатади. "Ўзавтосаноат" компанияси мутахассисларининг Spark қулай ва тежамкор машиналарни хуш кўрадиган ёшлар орасида, айниқса, кенг оммалашишига ишончи комил.

Тақдимот маросимида янги автомобиль мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига автосаноатчиларнинг муносиб совғаси бўлгани таъкидланди. Chevrolet Spark 26 августдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча автосалонларида сотувга қўйилди.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

2010 йил учун ОБУНА давом этмоқда ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.



## ХУШКАЙФИЯТ БАҒИШЛАДИ

**Мустақиллик байрами арафасида вилоятимизнинг деярли барча гўшаларида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" шиори остида маърифий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда. Яқинда Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият марказида ҳам шундай ижодий кеча ўтказилди.**

Истиқлол шодиёналари арафасида "ОКМК" очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда уюштирган бу тадбир доирасида таниқли ижодкорлар билан учрашув ўтказилди. Шоирлар ўзларининг она Ватан, ҳуррият ва истиқлолни тараннум этувчи сара шеърларини мухлисларга туҳфа этишди.

Сўзга чиққанлар истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларга тўхталиб, улкан бунёдкорлик ишлари ортида халқимизнинг яратувчан меҳнати зоҳир эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Кеча ниҳоясида санъаткорларнинг дилбар куй-қўшиқлари йиғилганлар кўнглини хушнуд этиб, уларга байрамона кайфият бағишлади.

**Саид АСҚАРОВ.**

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

# КЎҲНА ШОҲРУҲИЯНИНГ СИР-СИНОАТЛАРИ

**Тошкент вилояти ҳудудида уч юзга яқин қадимий меъморчилик ва археологик ёдгорликлар бор. Улар ҳам илмий, ҳам умумий билим орттириш жиҳатидан катта қиймат ва муҳим аҳамиятга эга. Ўзга давлатларнинг минглаб сайёҳлари ва маданият соҳаси вакиллари ҳамда кўҳна Шарқ тарихига қизиқувчиларни оҳанрабодек ўзига тортувчи бу қадимий ёдгорликларнинг кўпи тарихий рўйхат (каталог)га киритилган.**

**Таҳририят вилоятнинг шу тарихий ёдгорликлари ва бошқа қадамжолари ҳақида ҳикоя қилишни лозим топди. Қуйида Оққўрғон туманидаги қадимий шаҳар – Шоҳруҳия тарихи билан танишасиз.**



Сирдарёнинг Тошкент вилояти ҳудуди бошланадиган ўнг қирғоғида бир замонлар гуллаб-яшнаган Шоҳруҳия шаҳрининг харобалари шу кунгача сақланиб қолган. Бу кўҳна шаҳарга Амир Темур ҳукмронлиги даврида асос солинган. Қадимда у бошқа ном, яъни Банокат деб аталган.

Банокат беназир усталар ва шоирлар, номдор қаҳрамонлар ва сайёҳлар шаҳри сифатида довруқ таратган. Буюк ипак йўли тармоқларидан бирида қулайгина жойлашган бу шаҳар X-XII асрларда Тошкент воҳасининг энг гўзал ва бадавлат масканларидан бўлган. Унинг шон-шуҳрати Буюк ипак йўлида жойлашган давлат ва шаҳарлар сарҳадларидан ошиб ўтиб, олис-олис ўлкаларга таралган.

Банокатнинг пишиқ-пухта матолари, нафис, қимматбаҳо тошлар билан безатилган эгарлари жаҳон бозорларида катта шуҳрат қозонган. Кулолчилик, зеб-зийнат буюмлари бетакрор гўзаллиги билан кўзларни қувонтирган.

Банокат Тошкент воҳасининг иккинчи пойтахти дея аталишга ҳақиқатан ҳам муносиб эди. Қорахонийлар давлати учун зарур пуллар айнан шу ерда зарб этиларди. Шунингдек, бу шаҳарга оқиб келадиган шоиру сайёҳларнинг қадами узилмасди.

Чингизхон аскарлари Ўтрор ва минтақадаги бошқа қатор шаҳар ҳамда аҳоли пунктларини тор-мор этиб, Банокатга ҳужум уюштирганларидан сўнг оғир кунлар бошланди. Тарихий маълумотларда Банокат мудофааси мавзусига алоҳида ўрин берилган. Шаҳарликлар душманнинг уч кун давом этган қамалига қарши мардона турдилар. Аммо, кучлар тенг эмасди ва душман Банокатни босиб олди.

Жасур халқ ўз шаҳри эрки учун охиригача мардонавор курашди. Аҳолининг бир қисми жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди, кўплар қатл этилди. Мўъжиза туфайли қутулиб қолган қисми Сирдарёнинг нариги қирғоғига ўтиб, Мовароуннаҳрнинг майда-йирик шаҳарлари аҳолиси орасига сингиб кетди.

Эрксевар банокатликларни қўрқитолмаган, руҳан енголмаган душман, аламига чидолмай, ҳувиллаб қолган шаҳарга ўт қўйди. Банокат гўё давр ҳаёти даҳшатларини лаънатлагандек, узоқ вақт алангаланиб ётди.

Орадан бир ярим аср вақт ўтгандан сўнг Сирдарё қирғоғидаги гўзал шаҳардан гўё ёдгорлик бўлиб қолган тепаликка ҳукмдор Амир Темурнинг қадами етди. Соҳибқирон ўз даврида эртаклардаги каби гўзал бўлган шаҳар харобаларига узоқ тикилиб турди. Гўё ҳам буюк, ҳам аёвсиз тарихнинг аччиқ тутунлари димоғига урилгандек бўлди. Аждодлар хотираси қалбини титратиб ўтди ва фақат соҳибқиронгагина хос қатъий ва ишончли овозда хитоб қилди:

– Бу ерда янги шаҳар бунёд этилади, унинг номи Шоҳруҳия бўлади!

Шу тариқа буюк ҳукмдорнинг севикли фарзанди, бўлажак буюк мутафаккир ва астроном олим Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ Мирзо шарафига янги гўзал шаҳар барпо этилди.

Шоҳруҳия кети узилмас карвонлар, изловчилар, ижод билан шуғулланувчилар учун маёқ, йўлчи юлдуз вазифасини ўтади. Шу билан бир қаторда у муҳим ҳарбий стратегик пункт, Тошкент воҳасининг Сирдарё бўйидаги мустаҳкам таянч қалъасига айланди.

Шоҳруҳия учун, унинг шаън-шавкати учун кўп жон олиб, жон берилди. "Шоҳруҳияга эга бўлиш, Мовароуннаҳрга эга бўлишдир", деган ибора одамлар оғзидан тушмасди. Ҳақиқатан ҳам ўзаро ички урушларда, жанг натижаси фожиали тус олганда, даракчилардан сўрашган: "Шоҳруҳия мудофаада собит турибдими?" Агар "ҳа" жавобини олишса: "Шоҳруҳия омон экан биз ҳам бўш келмаймиз", дейишган ва ҳар қанча қонга беланган бўлишмасин, курашни давом эттиришган. Ва аксинча, шаҳар енгилганини эшитишса, маёқлари сўнганини тушунишган.

Ҳа, бир замонлар Оққўрғон тумани ҳудудида шундай довруқли шаҳар бўлган эди. Энди бу катта ҳудуд фақат харобалардан иборат. Бошқача айтганда, 180 гектарли майдон тарих ва маданият ёдгорлигига айланди. Қалъа деворлари, сопол ва шиша идиш ясаш печлари қолдиқлари Банокат – Шоҳруҳиянинг ўтмиш шуҳратини ёдга солиб турибди.

Шоҳруҳияни тарихий ёдгорлик сифатида биринчи марта 1876 йили А. Зацепин, кейинчалик В. Бартольд харитага киритишган эди. 1934 йилга келиб, М. Массон, ундан кейинроқ, яъни 60-йилларда Чотқол-Қурама отряди археологлари кўҳна шаҳар тарихини ўрганишди. Бу ерда ўзбек археологлар мактаби асосчилари бўлган таниқли олимлар – Ю. Буряков, В. Набоков, Г. Богомолов иш олиб боришди.

Дарвоқе, халқ орасида ҳанузгача баҳайбат илон – Шоҳруҳиянинг руҳи яшаб келаётгани ҳақида афсона юради. У Шоҳруҳиянинг бугунги кунгача сақланиб қолган ғорларида яшар эмиш. Бу ғорлар илгари ер ости йўли вазифасини ўтаган.

Ҳикоя қилишларича, бир куни бир йигит шу ғорга кириб, узоқ вақт қолиб кетди. У қайтиб чиққач, озиб-тўзиган, ўйчан бўлиб қолганди. Гоҳида ҳеч нарса емай, ичмай, фақат тинмай тентираб юрар, ғор томонга қараб нималарнидир ўйларди. Бир куни у яна ғорга кириб кетди. Шундан кейин йигитни ҳеч ким, ҳеч қачон қайтиб кўрмади. Айтишларича, у бу муқаддас жойларни муҳофаза қилувчи Руҳ хизматига кирган эмиш.

Бугун Шоҳруҳия кўнгилларга шодлик, илиқлик берувчи ноёб маъводир.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**вилоят «Олтин мерос» жамғармаси раиси.**



*Қани, ким кучли?*

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

ФУТБОЛ

# «МЕТАЛЛУРГ» «ПАХТАКОР»НИ ЕНГДИ

**Футбол бўйича олий табақа жамоалари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Вилоятимиз вакили "Металлург" Тошкентнинг "Пахтакор" жамоасини қабул қилди.**

Ўйин мезбонларнинг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Биринчи бўлимнинг бошидаёқ ташаббусни ўз қўлларига олган бекободликлар ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Зоҳид Абдуллаев меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олди.

Шундан сўнг учрашув янада қизғин тус олди. Биринчи бўлимнинг ўрталарида Руслан Ваганов "Пахтакор" дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Бу орада меҳмонлар анча саросимага тушиб қолишди. Шундай бўлсада биринчи бўлимнинг охирларига бориб Алишер Азизовнинг аниқ зарбаси эвазига "Пахтакор" ҳисобдаги фарқни қисқартирди.

Иккинчи бўлимда "Пахтакор" устозлари кучли ўйинчиларни майдонга туширишди. Улар "Металлург" дарвозаси томон ҳужумни кучайтиришди. Аммо бекободликлар бехато ҳаракат қилишди. "Пахтакор"нинг тажрибали ҳужумчилари "Металлург" дарвозасига йўл топа олмадилар.

Иккинчи бўлимнинг ўрталарига бориб "Металлург" учинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. Дилмурод Каримовнинг олис масофадан йўллаган зарбаси ўйингоҳни ларзага келтирди.

Ушбу натижа ўйин охиригача ўзгармади. "Пахтакор" жамоаси устидан чиройли ғалаба қозонган бекободликлар турнир жадвалидаги мавқеларини янада яхшилаб олдилар.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

**Олмалиқ шаҳрида бокс бўйича ўтказилган республика турнирида 1992-1993 йилларда туғилган 80 нафарга яқин боксчи ўн бир вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.**

# ЁШ БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Турнирда Андижон бокс мактаби тарбияланувчиларидан саккиз нафари - Ҳотам Дўстматов, Пахлавон Ҳожиев, Журъат Султонхўжаев, Қобулжон Бобожонов, Авазбек Обиджонов, Хуршидбек Норматов, Азизбек Абдуғафуров ҳамда Дилшодбек Ашуров шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган наманганлик Бургут Ҳожибоев, Тошкент вилояти вакили Бобур Йўлдошев ва пойтахтлик Азизхўжа Асқаров ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

БИЛАСИЗМИ?

# БУЙРАКДА ТОШ ЙИҒИЛСА...

Овқатланиш тартибига риоя қилмайдиган, шўр таом ва салатларни севиб истеъмол қилувчи кишилар буйрагида туз тўпланиши аниқ.

Бу жиддий касаллик бўлиб, агар вақтида даво чоралари кўрилмаса, туз тошга айланиши ва бу жарроҳлик амалиётига олиб келиши мумкин.

Буйракда туз йиғилса, ундан халқ табобати ёрдамида, оддий усуллар билан қутулиш мумкинлигини биласизми?

Бунинг учун бир стакан сувга бир чойқошиқ зиғир уруғи солиб, яхшилаб қайнатинг. Уни тиндириб, тайёр бўлган суюқликни икки кун давомида ярим стакандан ҳар икки соатда ичинг. Истеъмол қилишдан олдин унга қайнатиб совутилган сув қўшишни унутманг.

Бир литр қайнаган сувга 2-3 қошиқ қуритиб, майдаланган наъматак солиб, дамлаб қўйинг. Кун давомида чой ўрнида истеъмол қилинг. Бу дамламадан кунига 2-3 литр ичсангиз, буйрагингиз қум ва тузлардан фориғ бўлади.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

- Лимондан кўпроқ шарбат олиш учун сиқишдан олдин 5 дақиқа иссиқ сувга солиб қўйиш керак.
- Лимоннинг 1\4 бўлаги қовурилаётган гўштни янада майин қилади. Гўшт билан қўшиб қовурилган лимон юмшагач, эзиб, соусга қўшиб юборса бўлади.
- Паррандани бутунлигича духовкада пиширмоқчи бўлсангиз, қорнини юқорига қаратиб қўйинг, шунда ичидаги ёғи оқиб кетмайди.
- Нонингизнинг суви қочган бўлса, 5 дақиқа ҳўл сочиққа ўраб, 20 дақиқа духовкага қўйинг. Тандирдан янги узилгандек бўлади.
- Агар тухум сариғини оқидан ажратмоқчи бўлсангиз, тоза воронка устига чақинг, сариғи қолиб, оқи оқиб тушади. Воронкани қоғоздан ясаса ҳам бўлади.
- Агар тухумнинг оқи керак бўлиб, сариғини бир неча кун сақлаб қўймоқчи бўлсангиз, тухумни йўғон игна билан икки томонидан тешинг. Оқи оқиб тушади, сариғи тухум ичида қолади.
- Кўпинча гулкарам орасига майда ҳашаротлар кириб олади. Улардан қутулмоқчи бўлсангиз , гулкарамни шўр сувга солиб қўйинг. Ҳашаротлар сув юзига чиқади.
- Балиқни қовурганда чиройли қизаришини хоҳласангиз, устини қуритиб артинг. Ёғи сачрамаслиги учун қовураётганда устига катаги майдароқ човли ёпинг.
- Агар қаттиқ мол гўштининг тезроқ пишишини ва майин бўлишини истасангиз, кечқурун ҳамма томонига қуруқ горчица суркаб қўйинг. Пиширишдан олдин совуқ сувда ювиб ташланг.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ҚОРА КУРСИДА... ОҚЛОВЧИЛАР

"Қози муттаҳам бўлса, додингни кимга айтасан" деганларидек, жиноятчиликнинг олдини олувчиларнинг ўзлари жиноятга қўл уриб турсалар жамият учун энг хавфли бу иллат болалайверади.

Нафс бандаларининг кўзи пешона деворга урилиб, бош ёрилгандан сўнг очилади. Бунгача уларнинг қалб кўзлари кўр, нафслари ўпқон бўлади. Пешона қашқа бўлиб, бош ёрилгандан кейин очилган кўз жиноятчининг қора курсисини кўради. Буёғи ойдек равшан – "ўтириб чиққан" деган тавқи лаънатни умр бўйи ортмоқлаб ўтишга маҳкум. Айниқса, қора курсида ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг ўзлари ўтирса...

Ўғриликни тухумдан бошлаган болакай тўғрисидаги ривоятни ҳамма билади. Зафар Олимбеков (исм-шарифлар ўзгартирилган) тухумга қаноат қилмай, янги "касб"ини товуқдан бошлай қолди. Бироқ, Янгийўл туман ички ишлар бўлими товуқ фермасида содир этилган ўғирликдан хабардор бўлди-ю, калава чувалашиб кетмасидан учини топди ва жиноий иш қўзғатиб, иштирокчиларнинг қўлларига биринкетин кишан солди.

Зафарни билмадиг-у, аммо ўша кундан бошлаб, унинг отаси Аҳмаджон Олимбековнинг пайтавасига қурт тушди. Кун билан туннинг фарқи қолмади, нажот излаб елиб-югурди. Бундай пайтда сув бетида қалқиган оддий хас ҳам чўкаётган киши кўзига ҳода бўлиб кўринади. Жонсарак ота куёви бўлмиш Баҳромнинг бир гапини эслади. Адвокат танишим бор, дегандек бўлганди. Нажотнинг иложини тополмай турган ота оёғини қўлга олди. Баҳром қайноғасининг сўзини икки қилмади, Янгийўл шаҳридаги "Акдий-Ваколат" адвокатлик фирмасига бошлаб борди.

Баҳромнинг таниши Ботир Алиев аслида унинг узоқроқ қариндоши. Шу фирмада 16 йилдан бери адвокат бўлиб ишлайди. Демак, у қилни қирқ ёрадиган тажрибали ҳуқуқшунос, ёрдами тегса ажабмас. Лекин...

Мана, бир йилдирки, Ботир адвокат эмас. 2009 йилнинг июлида уюштирилган давлат аттестациясидан ўтолмади. Адвокатлик лицензияси бекор қилинди, лавозимидан маҳрум бўлди. Аммо, фирмани тарк этмади. Шу ерда ўралашиб юриб, сўраганларга ҳуқуқий маслаҳат, зарурларга ариза ёзишга ёрдам беришни касб қилди. Бироқ унинг асосий илинжи ора-сира "осмондан тушиб турадиган" тайёр луқмада. Баҳромни ёнида бир нотаниш киши билан кўрганда, навбатдаги луқма ўз оёғи билан келаётганини фаҳмлади.

Баҳром гапни чўзмай, мақсадга ўтди:

– Бу киши қайноғам бўладилар. Ўғиллари қамалиб қолди. Ҳозир иши Янгийўл туман судида кўрилаяпти. Шунга бир иложини топиб, ёрдам бериб юборсангиз, қайноғам ҳам қараб турмаслар.

Ботир қошларини чимириб, узоқ ўйга толди. Бундай учарларнинг одати шунақа. Илтимос қилувчини ийдириш, луқмани каттароқ ундириш учун ўзини обдон тарозига солиб, иш анча чигал, ёрдам бериш жуда мушкул, деб нархни оширишга ҳаракат қилади.

– Қайдамо-ов, – деди собиқ адвокат, – товуқ ўғирлашган бўлса, ҳойнаҳой гуруҳбозликка киради, демак, улар орасидан бир кишини ажратиб олиш қийин.

Бу гап отанинг юрагига ғулғула солди:

– Бир иложини қилмасангиз бўлмайди, болам бечора бўш-баёв, қамоқнинг шароитини кўтаролмайди.

Отанинг зорланиши, ёлворишидан сўнг Ботирнинг кўнгли гўё бироз "юмшади":

– Ҳай, бир ўйлаб кўрайчи, икки-уч кундан сўнг хабар оларсиз...

Ўша икки-уч кун собиқ ҳуқуқшуносга ишни пишитиш учун керак эди. У фирмада адвокат бўлиб ишлаётган Маҳамад Мусаевга учрашиб, тайёр луқма борлигини етказди. Омади келганидан қувонган адвокат Аҳмаджон Олимбековга ўғлини қамоқдан олиб қолишга ёрдам беришни ваъда қилди. Аммо чиқимига чидаш керак бўлишини ҳам қистириб ўтди.

– Қўйларимни сотаман, – деди адвокатнинг юмшаганидан суюниб. – Етмаса, уйимни гаровга қўйиб бўлса-да, айтганингизни бераман.

– Бўпти, мен танишларим билан гаплашиб кўрай, кейин қанчалигини айтаман.

Икки кундан сўнг бечора ота яна адвокатга рўбарў бўлди.

– Олти минг доллар сўрашяпти, – деди адвокат бамайлихотир, гўё гап олти минг сўм устида бораётгандек.

Аммо, 6000 долларни эшитган отанинг ҳуши бошидан учди. Ўзи қўл учида яшаб турган бўлса, шунча пулни қаердан топади? Ҳамма қўйини сотсаям урвоқ бўлмайди-ку.

Адвокатнинг унга раҳми келдими ё тайёр луқмадан қуруқ қолмай дедими, ҳар ҳолда "чиқим"ни 4000 долларга туширди-ю, иш пишди.

Ота ўша пулнинг ҳеч бўлмаса, ярим-ёртисини топиш учун ошна-оғайни, қариндош-уруғларга бирма-бир учрашди. Бироқ, ҳозир биров бировга қарз берадиган ё оладиган пайт эмас. Ўзингда йўқ – оламда йўқ. Энди фақат битта йўл қолди. Аслида энг тўғри йўл ҳам шу. У тегишли жойга мурожаат қилди...

Тошкент вилояти судининг очиқ суд мажлиси давом этаяпти. Судланувчининг қора курсисида... икки оқловчи ўтирибди. Аслида буларнинг адвокат сифатидаги асосий вазифалари фуқаролик ва жиноят ишларида оқловчи яъни ҳимоячилик қилиш. Мана энди ўзлари ҳимояга муҳтож бўлиб ўтиришибди. Улар содир этган жиноят эса, товуқ ўғрилашга қараганда бир неча баробар оғир, ҳам шармандали, ҳам хавфли.

Шармандалиси шуки, уларнинг таржимаи ҳолига "порахўр" тамғаси босилди. Бу матодаги ювса кетадиган доғ эмас, албатта.

Хавфлилиги шундаки, порахўрлик, таъмагирлик ҳар қандай жамиятни ич-ичидан емирадиган, бузадиган энг ёмон иллат. У авж олган юртда ҳалол ва ҳаром, тўғрилик ва қинғирлик ўртасидаги мувозанат бузилади, парокандалик кучаяди. Энг ёмони ижтимоий-иқтисодий тараққиётга путур етади, жамиятда турғунлик вужудга келади.

Ҳа, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бу иллатнинг томирига вақтида болта урмоқ зарур. Тошкент вилояти суди шундай қилди. Бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида таъмагирлик ва порахўрликнинг илдизини қирқиш ўрнига уларнинг тегирмонига сув қуяётган икки адвокатнинг қинғир ишларига чек қўйилди.

Адвокат Маҳамад Мусаев уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ботир Алиевга 2 йилу 6 ойлик қамоқ жазоси тайинланди. М. Мусаевга уч йил, Б. Алиевга икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш тақиқланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд ҳар икки айбдорга улар содир этган жиноят учун Ўзбекистон Республикаси "Жиноят кодекси"да белгиланганидан энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни лозим топди. Бошқача қилиб айтганда, мустақиллик йилларида тубдан ислоҳ қилинган одил судлов тизимимиз судланувчиларнинг муқаддам судланмаганлари ва оилавий шароитларини, бирининг вояга етмаган уч фарзанди борлиги, иккинчиси ногирон эканлигини эътиборга олиб, жазони енгиллаштирди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

## Кулганга нима етсин

*Спорт моллари дўконидаги суҳбатдан:*

*– Мабодо бу парашют очилмай қолса, нима бўлади?*

*– Олиб келасиз, алмаштириб берамиз.*

• • •

*Бир баскетболчи бозордаги дўконга кириб деди:*

*– Момо, менга тухумингиздан 4 дона берсангиз.*

*– Сал энгашиброқ қара, тухум эмас, қовун-ку!*

• • •

*Майк Тайсонни чақалоқлигида онаси бир мушт уриб, ухлатиб ташлаган экан.*

• • •

*Боксчилар билан савол-жавоб ўтказилди: "Бошга тушган кучли зарбалар инсоннинг ақлий фаолиятига таъсир қиладими?"*

*Боксчилардан 5 фоизи "йўқ" деб жавоб қилди. Қолганлари эса саволни тушунишмади ҳам.*

• • •

*– Оғайни, сенга гап таъсир қилмас экан-да. Сенга доктор чекишни тақиқлаган-ку!*

*– Шундайку-я, лекин мен унга беш юз доллар қистирувдим, чекишга рухсат берди.*

• • •

*– Сэм, нималар қиляпсан?*

*– Мэрига хат ёзяпман.*

*– Ахир сен ҳали ёзишни билмайсан-ку.*

*– Бунинг нима аҳамияти бор, ахир Мэри ҳам ўқишни билмайди-ку!*

## РАССОМ ХАНДАСИ



***– Биздан фил ясашибдида-а!***

**Мирсаид ҒОЗИЕВ чизган расм.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
**Абулфайз САИДАСҚАРОВ**
Навбатчи
**Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-740. Адади 5915. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 1234